# КЎРГАЗМАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

Севимли адиб Абдулла Қаҳҳор ҳаёт бўлганида 82 ёшни қаршилаган бўлар эди. Минг афсуски, бугун Абдулла Қаҳҳор бизнинг орамизда йўқ. У айни қизғин ижод палласида 61 ёшида оламдан ўтди. Лекин, кўнглимизга таскин бергувчи унинг бой бадиий мероси авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Шу боис, унинг жаҳонга машҳур ҳикоялари, «Сароб», «Қўшчинор чироқлари» романлари, «Ўтмишдан эртаклар», «Муҳаббат» сингари бир қанча асарлари ўзбек адабиётидан муносиб ўрин олган.

Маълумки, бир неча йилдан буён пойтахтимиздаги Яккасарой туманининг Юнус Ражабий кўчасида Абдулла Қаҳҳор уй-музейи фаолият кўрсатмоқда. Адиб бу уйда 1958 йилдан 1968 йилгача яшаб, ижод қилган. Унинг энг яхши асарлари мана шу уйда дунёга келган. Бугунги кунда эса уй-музей ихлосмандлар учун табаррук қадамжога айланган.



Мазкур икки қаватли музей адиб ҳаётидан акс берадиган турли хил кўргазмалар билан жиҳозланган. Хусусан, ёзувчи асарлари, фотолавҳалар, альбомлар, уй жиҳозлари, қўлёзмалар, телеграммалар, дастхатлар экспонат сифатида қўйилган. Биргина адиб ижодхонасида 3000 мингдан ортиқ китоблар сақланади. Унда сақланадиган жамики кўргазмаларга алоҳида эътибор берилиб, реставрация қилиниб турилади.

Музей ходимлари адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида учрашувлар, кечалар ташкил этиб қолмасдан, балки бир қанча олийгоҳ ва ўрта мактаблар билан шартномалар тузган. Ўз навбатида улар илмий изланишлар, адиб ҳақида матбуотда чиқишлар қиладилар. Йилнинг бошида эса иш юритиш режаларини тузиб, шу асосда ихлосмандларга хизмат кўрсатадилар. Шунингдек, ҳар йили адиб туғилган ва вафот этган кунларини қайд этиб борадилар.

Сиз кўраётган ушбу сурат адиб уй-музейидан олинган. Унда бугун тарихга, ихлосмандларнинг қадамжосига айланган Абдулла Қаҳҳор уйи тасвир этилган. Мабодо, йўлингиз Юнус Ражабий кўчасига тушса, адиб уй-музейини бир зиёрат қилинг. Шунда сиз кўргазмаларнинг тилга кирганига гувоҳ бўласиз.

**Насиба ШАРОПОВА.**
**Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.**

## *Бу ҳақда Қуръони Каримда ёзилган*

**Зуҳра ая набираси Шаҳлони синглиси Ёқут аянинг кенжа ўғли Бахтиёрга турмушга беришга рози бўлар экан: «Синглимнинг қизи йўқ, Шаҳло унга қиз бўлади. Барибир катта келинлар қиз ўрнини босмайди» деб ўйлади. Орадан бир йил ўтиб-ўтмай хонадонда чақалоқ туғилди. Унга меҳр билан Бекзод дея исм қўйишди. Она сути етишмаслиги сабабли Бекзодга сунъий аралашма бера бошлашди. Ҳали уч ойлик бўлмаган бола тез-тез касалликка чалинар, бу кўпинча иситма чиқиши, ич кетиши ёки қориннинг дим бўлиши тарзида кечарди. Бир неча маротаба касалхоналарда даволатишга ҳам тўғри келди. Унга кўпинча шамоллаш ёки ошқозон-ичак яллиғланиши, дея ташхис қўйиларди. Биринчи чиқаётган тиш Бекзоднинг реанимация бўлимига тушишига сабаб бўлди. Бу ҳол яна бир неча марта такрорланди. Бахтиёр ўғлини кўрсатмаган шифокори қолмади. Эски урф-одат, дея кинна ҳам солдириб кўришди. Бу орада Ёқутхон ая юрак хуружига мубтало бўлиб, дунёдан кўз юмди.**

# ҚАРИНДОШГА ҚИЗ БЕРМАНГ!

Уч ўғил - уч овсин...

Ўзига қайнона бўлган холасидан айрилган ва фарзандининг тинимсиз бетоблигидан зада бўлган Шаҳло аламини ичига қандай ютишини билмасди. У негадир барча бахтсизликларда ўртанча овсинини айблади. «Фолбин айтди, боламни сен касал қилаётган экансан, овқатига нарса солаётган экансан», дея уни уч фарзанди билан кўчага ҳайдатиб чиқарди. Хонадондан энди файз-барака кетганди. Қачонлардир тинчлик-тотувлик ҳукм сурган, маҳаллада ҳавас уйғотган хонадон жанжал ўчоғига айланди. Бу орада Бекзод яна уч маротаба касалхона остонасини ҳатлади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай гўдак реанимация бўлимида жон берди. Ёқутхон ая қабри ёнида кичик дўнг кўтарилди. Фарзанд доғида куйган Бахтиёрнинг сочлари орасига оқ оралади.

Кулфату-бахтсизлик ҳамон хонадон узра ўзининг қора қанотлари билан соя солиб турарди.

Бу фожеанинг олдини олиш мумкинмиди?! Албатта мумкин эди. Доно халқимизда бир мақол юради: «Ўлимдан ўзганинг чораси бор». Бекзодда туғма бирламчи иммунитет етишмаслиги хасталиги бўлиб, бу касаллик асосан қариндошлар ўртасидаги никоҳдан туғилган болаларда кузатилади. Уларда касалликка қарши организмнинг курашиш қобилияти сусайган бўлиб, касалликлар оғир ва асоратли кечади. Бу нафақат бир фарзандда, балки кейинги фарзандларда ҳам кузатилиши мумкин. Баъзан яқин қариндошлик гўдакларнинг нуқсонли бўлиб туғилишига олиб келса, баъзан уларнинг жисмонан соғ бўла туриб, ақлан ношуд туғилишига сабаб бўлади. Ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келган, динимизнинг ўзаги бўлган «Қуръони Карим»да 23-оят «Ан-Нисо» сурасида шундай дейилади: Оллоҳ таолонинг қавми:»Ҳаром қилинди сизларга (ўз) оналарингиз ва қизларингиз ва сингилларингиз ва аммаларингиз қизлари ва холаларингиз ва биродарларингиз қизлари ва сингилларингиз қизлари ва сизларни эмизган оналарингиз (яъни, энагаларингиз) ва эмизган сингилларингиз ва хотинларингиз оналари ва сизлар бирлан бирга ётган хотинларингизнинг қўл остингизда парвариш топаётган қизлари (яъни, ўгай қизларингиз) ва ... ўз пуштларингиздан бўлган ўғилларингиз хотинларига уйланмоқларингиз ва икки сингилни (опа-сингилни) бир никоҳда жамъ қилмоқларингиз ҳам сизларга ҳаром қилинди, илло бўлиб ўтган нарса бўлиб ўтгандур, дарҳақиқат Оллоҳ таоло мағфират қилгувчи, ниҳоятда шафқатли зотдир!». (Ҳадис.

Афсуски, биз узоқ вақт ўз динимизнигина эмас, балки урф-одатларимизни, қадриятларимизни унута бордик. Қариндош-уруғчиликда қиз бериб, қиз олиш мумкин эмаслигини эсдан чиқардик. Оқибатда кўплаб ёш оилалар бузилиб кетмоқда, нуқсонлик ва касалманд фарзандлар дунёга келмоқда. Баъзан бойлигу давлатга ҳирс қўйиб, баъзилар: «Уйдаги гап кўчага чиқмасин»,дея яқин қариндошлар, опа-сингил, ака-укалар орасида ҳамон қудачилик иплари боғланмоқда.

Халқимизнинг яхши одат-анъаналари бор, булардан бири совчилик. Қиз бор хонадонга совчи келади. Ўзлари билан бир қучоқ орзу-умид, яхши ниятларни олиб келадилар. Балоғат ёшига етгунга қадар қиз тарбиялаб ўстирган, унга таълим-тарбия берган, касал бўлган чоғлари парвона бўлган, барча инжиқликларига меҳр ила қараган ота-она фарзандининг ўзга хонадонда, бахтли, фарзандларига бош-қош бўлишини истайди.

Қизини оппоқ келинлик либосида кўрганда она кўзига ёш олади, ота ҳаяжонини билдирмасликка ҳаракат қилади, лекин унинг қалби, юраги фарзанди билан бўлади. Ота-она қизини яхши, билган-синалган хонадонга келин бўлишини истайди. Шунинг учунми улар иложи борича қариндошга қуда бўлмоқчи бўладилар. Лекин қизининг бахтини бир ёқлама ўйлаган ота-она ўзлари билмаган ҳолда фарзандларини бахтсизликнинг энг чуқур жари - фарзанд доғи қўйнига улоқтирадилар. Сўнг қизларининг азоб чекаётганини кўриб ўзлари ҳам азобланадилар. Охир-оқибатда қудалар айбни бир-бирларига қўядилар, орага совуқчилик тушади. Опа-сингил, ака-ука юзкўрмас бўлиб кетадилар. Энг катта азобни эса қачонлардир не орзу-умидлар билан келинлик либосини кийган қиз бошидан кечиради.

Табобат оламида тасдиқланган, агар яқин қариндошлар орасида ўзаро турмуш қурилганда хотин ва эрнинг қонидаги ДНК коди бир-бирига жуда ўхшаш бўлганлиги сабабли туғилажак фарзанд қонида авлодларда бўлган, лекин ташқи кўринишида намоён бўлмаган хасталиклар юзага чиқади. Шу билан бир қаторда насл-насаб белгисини ўзида мужассамлаштирган хромосомаларда чалкашликлар бўлади. Охир-оқибатда аёлда тез-тез такрорланадиган бола ташлаш ҳоллари бўлиши мумкин ёки туғилган бола жисмонан нуқсонли бўлади.

Зеро, биз авлодимизнинг соғлигини, уни жисмонан ва ақлан баркамол бўлиши ҳақида қайғурмоқни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз ҳам шунга яраша бўлмоғи даркор. Акс ҳолда сўнгги пушаймонлик азобига ўз-ўзимизни мубтало қилган бўламиз.

**Шоҳида ТУРДИЕВА,**
**врач-неонатолог.**

## САҲНАДА... ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР

Яқинда Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Зангиота» жамоа хўжалигининг «Гулбоғ» дам олиш масканида Савдо, умумий овқатланиш ва матлубот жамияти ходимлари вилоят касаба уюшмалари қўмитаси «Аёллар йили»га бағишлаб «Балли, қизлар» кўрик-танловини ўтказди.

Танлов қатнашчилари ҳар бири ўзига хос, шу боис ҳам тадбир ғоят мароқли кечди. Масалан, Ўрта-Чирчиқ туманидаги «Истиқлол» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган хусусий дўкон сотувчиси икки фарзанднинг онаси Гулшода Атанбаева қўшиқ айтишни, рақсга тушишни, қизиқарли китоблар ўқишни ёқтиради.

«Қибрай-коопсавдо» акциядорлик жамиятига қарашли 1-сон дўкон сотувчиси Нилуфар Сайдазова жамоада катта ҳурмат ва эътиборга эга, қандолат маҳсулотларини пиширишни ва янги намуналарини яратишни яхши кўради. Унинг келгусида режаси янги қандолат цехи очиб хотин-қизларни шу касбга жалб қилиш.

Танлов қатнашчилари касбга, ватанимиз тарихига оид саволларга ҳам жавоб бердилар, ўзлари қизиққан машғулотлар бўйича тайёрлаган лавҳаларни кўрсатдилар. Кўрик-танлов жуда қизиқарли, юқори савияда ўтди.

Танловда: «Бекободсавдо» акциядорлик жамиятига қарашли 25-дўкон сотувчиси Наргиза Абдураззоқова ғолиблик шарафига муяссар бўлди. Кўрик-танлов қатнашчилари эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Т.САИДОВ.**

Сирдарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши ва вилоят тармоқ қўмитаси ходимлари Республика Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси М.В.Одиловага укаси **Абдуқаҳҳор ПЎЛАТОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## *Шахмат ажойиботлари*

## АНТИҚА СОВҒА

Бокулик Зулайҳо Айвазова - ихтисоси бўйича инженер. Айни вақтда шахмат композицияси бўйича мастерликка номзод.

У тузган масала ва этюдлар ҳалқаро танловларда совринлар олаяпти.

Шунинг учун Зулайҳо бу қадимий ўйин тарихи билан жиддий тиллашмоқда. Шулардан атиги иккитасини мисолга келтирмоқчимиз.

XII асрда яшаб ижод қилган машҳур озар шоираси Маҳсатий Тошжавий шеъриятида шатранж шахмат мотивидан фойдаланиш ҳоллари учрайди. Шоиранинг шахмат бобида ҳам моҳирлиги сезилиб турибди. У кўпинча эри Алишер Аҳмад билан ўйнар экан. Ана шу учрашувлардан бирида юз берган воқеани Маҳсатий хоним шеър билан изоҳлаган.

Зулайҳо Айвазова кўп йиллик изланишлар оқибати ўлароқ Маҳсатий хоним шеърлари асосида тахтада юз берган воқеаларни шахмат тилига кўчиришга муваффақ бўлди.

Яқинда Зулайҳонинг яна бир тадқиқоти «64-Шахматная обозрения» журналида эълон қилинган. Бокудаги Низомий номидаги Озарбайжон адабиёти музейида машҳур озар шоираси Хуршид Бону Нотавон (1830-1897) га тегишли шахмат комплектидан тўртта донаси сақланаётганлиги ҳақида 20-25 йил муқаддам эшитган эдик.

- Ушбу шахмат комплектини, - дейди Зулайҳо - шоирага машҳур француз ёзувчиси Александр Дьюма (отаси) Кавказ бўйлаб қилган сафари чоғида инъом этган.

Нотавоннинг эри асли доғистонлик бўлиб, генерал-майор унвонини олгунга қадар рус армиясида хизмат қилган. У Дьюма билан учрашиш ниятида хотини Нотавон, унинг онаси ҳамда болалари билан бирга Бокуга келади.

Сақланиб қолган шахмат доначалари фил суягидан ясалган. Уларнинг ярми Европа мунтазам армиясига хос шаклдаги жангчиларни, қолгани эса Шарқона ҳаворанг кийимдаги аскарларни акс эттирарди. Доналарнинг ҳажми қуйидагича: шоҳ-80х35х20мм, рух-70х70х20мм, пиёда-65х20х15мм.

- Диққатни тортадиган жойи, рух елканли қайиқ шаклида ишланганлигидир. Чамаси бу шахмат комплекти Россияда ишланган кўринади. Чунки Дьюма бу ерга келишдан олдин Петербург ҳамда Москвада бўлган.

## ДИСФЛИФИКАЦИЯ

**Мамажон МУҲИТДИНОВ**

Бир куни туман биринчилиги учун «Жоним шахмат» мусобақаси ўтказиладиган бўлиб қолди. Менга ўн олтита фигура - донадан иборат команда тузиш топширилди.

- Сен, Қолқонов ишлаб чиқариш мастерисан, ҳамма нарса қўлингда, - деди директор, - мени қўя турсанг ҳам майли.

Командани туздим: Шоҳ(Кр)-таъминот бўлимидаги Федя, фарзин (Ф)-бош бухгалтер Василий Семёнович, икки рух(л) - ишлаб чиқариш бўлимидан, тўртта енгилсипоҳ кадрлар бўлимидан, саккизта пиёда - бошқарма ҳодимларидан. Заҳира бош инженер билан директор.

Ўйин бошланадиган куни тўсатдан «f2» пиёдаси касал бўлиб қолди, бош инженер эса «соцстрах» йўлланмаси билан дам олаётган жойдан етиб келолмади.

«g2»га директорни қўйишга тўғри келиб қолди. Пиёда қилиб, ўйин бошланишига ярим соат қолганда мен рақиб командаси билан танишиб, кўз олдим қорайиб кетди: уларда ҳатто от(?) - бошқарма бошлиғи.

Нима ҳам қила олардим. Фигураларни-доналарни жой-жойига ўрнаштирдим, ҳисобчи соатни юргазиб юборди...

Дебютдан кейин аҳволим чакки эмасдек эди. Боря Степановични ўз хоҳишига кўра бурчакдан чиқардим. Ткачул билан Степан? «С» йўлида бош иқтисодчиларни алмаштириб юбордим. Бироқ рақиб ҳам қўлини қовуштириб ўтирмади: «g» йўлидан босиб келарди. Қарши ҳужумга ўтди.

Мен шу пайт бир комбинацияни кўриб қолдим. Беш юришда мот, тўғри, бу йўлда директор билан бош бухгалтердан ажралишим керак. Директор бўлса ҳаммасидан бехабар, гинахонлик билан бармоғини кўрсатаяпти.

Орқамга ўгирилдимда, тахтага қарамай, директорни «g4»га сурдим. У зарба остида қолди. Кейинги юришда Василий Семёновични «f7»да қурбон қилдим. Зўр келса прогрессивкасини бермас. Ғаройиб ўйин бўлди. Биз ютиб чиқдик.

Эртасига директор чақириб олиб деди:

- Сенда-чи, Қолқонов, раҳбарлик қобилияти йўқ экан. Сени токарь қилиб, мастерликдан бешинчи разрядга туширишдан бўлак илож йўқ.





**МАРОҚЛИ МАШҚЛАР**

***Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб 3 юришда мот қилади.***




**(20—26 сентябр)**

• **ҚЎЙ** — Ушбу кунлар омадни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилинг. Керак бўлганда тортинмасдан дўстларингиз, ҳомийлар, танишларингиз ёрдамига таянинг.

Ён-верингиздагилар, ҳамкасбларингиз билан тушунмовчиликлар юзага келса-да, ўз ечимини топади.

• **БУЗОҚ** — Ўз ҳиссиётларингизни қанчалик идора қилсангиз, шунчалик олдингизда турган масалалар, сафарлар, учрашувлар ижобий ечимини топиб, фойдали бўлади. Сешанба, чоршанба ва дам олиш кунлари сиздан анчагина чидам талаб қилинади. Жуфти ҳалолингиз, ота-онангиз, фарзандларингиз билан муносабатларингизни бузмасликка интилинг. Соғлиғингиз бироз муаммолар келтириши мумкин.

• **ЭГИЗАКЛАР** — Эҳтимол баъзиларга омад кулиб боқар. Касбингиздаги муваффақиятлар моддий томондан рағбатлантирилади. Душанба, сешанба, жума ва шанба кунлари севикли кишиларингиз ва қариндош-уруғларингиз билан бўлган муносабатларингиз хизматингизга таъсир қилмаслигига ҳаракат қилинг.

• **ҚИСҚИЧБАҚА** — Душанбадан жумагача деярли яхшигина фаоллик билан ўтади. Ушбу кунлар омадли ва фойдали харидлар, битимлар тузишга қулай келади. Пайшанба куни хизматдаги ҳамкасбларингиз билан баҳслашманг, қандайдир тўсиқлар юзасидан жуфти ҳалолингиз билан дам олиш кунлари жанжаллашманг.

• **АРСЛОН** — Баъзилар учун душанба, сешанба, жума ва шанба кунлари моддий-молиявий масалалар салбий натижа касб этади. Кўплар учун ҳафта учрашувлар, сафарлар, тақдимотларга бой бўлади.

• **ПАРИЗОД** — Низоли вазиятларни ўз фойдангизга ҳал қилишингиз мумкин. Бироқ яхшиси уларни четлаб ўтган маъқул. Моддий муаммоларингиз ҳал бўлади. Баъзиларни кутилмаганда соғлиғи безовта қилиши мумкин.

• **ТАРОЗУ** — Вазиятлар жиҳатидан воқеалар «аччиқ» ва «ширин»лиги билан ажралиб туради. Шамоллашдан эҳтиёт бўлинг. Йиғилиб келаётган масалалар алоҳида муаммо кашф қилмасдан тўғри ечимини топади.

• **ЧАЁН** — Ўзгаларга нисбатан кўзга кўринмас даражадаги таъсирингизни ишлатишингиз учун вақт келди. Ушбу кунларда ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қилишдан уялманг, фақат ўз ҳиссиётингизга ишонинг. Тақдирингизга сезиларли таъсир қиладиган киши билан учрашиш эҳтимоли бор.

• **ЎҚОТАР** — Агарда ўз ишбилармонлик ва бошқа имкониятларингизни тўғри баҳоласангиз, ушбу ҳафтада яхшигина фойда кўрасиз. Баъзилар тасодифий никоҳ ёки узилган оилавий иттифоқни тиклаши мумкин. Ишбилармонлар янги таниш-билишлар орттиради.

• **ТОҒ ЭЧКИСИ** — Ушбу ҳафта сиз учун омадли келиши кутилмоқда. Тижорат бобида янги ҳамкорлар орттирасиз. Узоқ сафарларга чиқиш эҳтимоли ҳам бор. Уй-рўзғор масалалари бироз қийнаши мумкин.

• **ҚОВҒА** — Моддий-молиявий жабҳада ишларингиз бароридан келади. Ушбу кунларда бошқа муаммолардан ўзингизни четга олинг. Узоқдан нохуш янгиликлар олишингиз эҳтимоли ортади. Оилавий муносабатлардаги режаларингиз жиддий тўсиқларга учраши мумкин.

• **БАЛИҚ** — Иш жойингиздаги жўш урган фаолиятингиз пайшанбагача давом этади. Режаларингизни амалга ошишида ҳиссиёт ёки моддий масалалар жуда катта аҳамият касб этиши мумкин. Баъзиларни фойдали сафарлар, илмий учрашувлар кутмоқда.

## БУЮК ИСТЕЪДОД

Қадимий манбалардан маълум бўлишича, улуғ олим ва мутафаккир Мирзо Улуғбек илм эгаллаш жараёнида мусиқа илми тарихига доир алоҳида қисми бўлган «Мажмаъул-ҳикмат» («Ҳикматлар мажмуаси») китобини такрор-такрор мутолаа қилган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти архивида сақланаётган «Муҳит-ат-таворих» номли қўлёзмада Улуғбекнинг куй басталаганлиги ҳақида хабар берилади. Ҳамда унинг «Шодиёна», «Ахлоқий», «Усули равон», «Улусий» каби мусиқа асарлари санаб ўтилади.

Мирзо Улуғбек шеърият ва мусиқани жон-дилидан севган. Ўзи шеърлар битган, мушоираларда фаол қатнашган.


**ISHONCH**

**МУАССИС:**
***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси***

**Бош муҳаррир**
**Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73**

**Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган**

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 23.00

Буюртма Г— 0734. 1 2 3 4 5 6